

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВА ГУЛНОЗА ОДИЛОВНА

**ЁШЛАРДАГИ ТАДБИРКОРЛИК МОТИВАЦИЯСИГА ОИЛАВИЙ
БИЗНЕС ТАЪСИРИНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctoral of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Очилова Гулноза Одиловна

Ёшлардаги тадбиркорлик мотивациясига оилавий бизнес таъсирининг
гендер хусусиятлари 3

Очилова Гулноза Одиловна

Гендерные особенности влияния семейного бизнеса на мотивацию
предпринимательства у молодёжи..... 25

Ochilova Gulnoza Odilovna

Gender features of the influence of family business on entrepre neurial
Motivation..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВА ГУЛНОЗА ОДИЛОВНА

**ЁШЛАРДАГИ ТАДБИРКОРЛИК МОТИВАЦИЯСИГА ОИЛАВИЙ
БИЗНЕС ТАЪСИРИНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2020.1. PhD/P161 – рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Каримова Василя Маманосировна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Самаров Рустам Садридинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Фарфиева Комола Атхамджановна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети

Диссертация химосяи Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» июль куни соат «9:00» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 202-44-21/ факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: info@tdpu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 202-44-21/ факс: (+99871) 246-53-21).

Диссертация автореферати 2020 йил «19» июль куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).


Ф.Б. Шоумаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор
Х.А.Кадирова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
психол.ф.н., доцент
Ғ.А.Абдурашулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсидаги мутахассислар барқарор ва самарали иқтисодий шакллантиришнинг асоси – хусусий мулкчилик шакллари такомиллаштириш эканлигини таъкидламоқдалар. Хусусан, Россияда иқтисодийнинг барча соҳаларида кичик ва ўрта корхоналари улушида оилавий компаниялар салмоғи 80 % ни ташкил этади. Германияда бизнеснинг 90 % идан ортиғини шундай оилавий компаниялар бошқаради¹. Америка психологлар ассоциациясининг берган маълумотларига кўра, “...бугунги кунда глобал оилавий бизнес икки хусусияти билан тавсифланади. Биринчидан, оилага тегишли, оила аъзолари томонидан яратиладиган жуда катта миқдордаги кичик ва ўрта корхоналарнинг сақлаб қолиш даражасининг юқорилиги. Масалан, АҚШда 15 миллионга яқин кичик оилавий фирмалар мавжуд. Иккинчидан, глобал оилавий бизнес асосида ташкил этилган оилавий корпорациялар ҳамда холдинглар катта обрў ҳамда кўп асрлик тарихга эга бўлиб, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Бу айниқса, Англияга хос хусусиятдир. Мазкур мамлакатда оилага тегишли фирмаларнинг 16 фоизи тўрт авлод тасарруфида бўлган. Швеция оилавий бизнесида ишлаётганлар мамлакатда банд аҳолининг 60 % идан ортиғини ташкил этади”². Дунёнинг кўплаб мамлакатларида оилавий тадбиркорлик бизнеснинг устун шакли ҳисобланади.

Жаҳон таълим тараққиётида оилавий бизнесни ривожлантириш, оилада ёшларнинг тадбиркорликка мойиллиги ва бизнес қобилиятларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш психология соҳасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, тадқиқотларда оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий психологик омиллари, тадбиркор шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари, кичик бизнес билан шуғулланган тадбиркорларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш масалалари бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга туртки бўлаётган ҳамда оилавий муҳит билан боғлиқ бўлган психологик омилларнинг, шунингдек оилавий тадбиркорлик мотивациясининг гендер установакалар билан боғлиқлиги, ёшларда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан шаклландирган установакаларнинг оиладаги шахслараро муносабатларга бевосита боғлиқлиги масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Мамлакатимизда тайёрланаётган мутахассисларнинг иқтисодий саводхонлигини такомиллаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 24 октябрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4498-сон

¹ <http://www.uzbekistan.kg/mot-6.php>.

² American Psychological Association. www.unicef.org - ЮНИСЕФнинг сайти маълумотлари (мурожаат ҳолати 29.10.2019).

қарорида белгиланганидек “... кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббуслари бўйича дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш”³ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, оилада фарзандларнинг иқтисодий ижтимоийлашуви самарадорлигини ошириш ва иқтисодий тафаккурини тўғри тарбиялаш, ёшларда ҳар томонлама тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятларини шакллантириш билан биргаликда уларнинг иқтисодий ва психологик билимдонлигини ошириш каби йўналишларда илмий изланишларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни⁴, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”⁵ги ПҚ-3777-сон, 2019 йилнинг 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сон⁶, 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”⁷ги ПҚ-4602-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта ташаббуси”⁸ дастурлари доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биз танлаган муаммога яқин тадқиқотлар хорижлик олимларнинг бир қатор изланишларида баён этилган. Жумладан, катталарнинг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни, тадбиркор шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари борасида (Berti A.E. ⁹, Бендас Т.В., Vonn L.); иқтисодий муносабатлар шароитида ёшларнинг ўзини-ўзи бошқаруви ва иқтисодий хулқ-атвори масалалари (Маслоу А.Х., Попова З.Н., Попова Л.В., Берн Ш., Палуди М.), кичик бизнес билан шуғулланган тадбиркорларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари (Кузин Ф.А., Андреева И.В., Антонов А.И., Шумпетер Й.А.), оилавий тадбиркорлик

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4498-сон Қарори. – ҚХММБ, 25.10.2019 й., 07/19/4498/3963-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни / <http://lex.uz/pdfs/3026246>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”⁵ги ПҚ-3777-сон Қарори.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сон Қарори.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сон Қарори // <http://president.uz>; <http://uza.uz>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта ташаббуси” // <http://president.uz>; <http://uza.uz>.

⁹ Изох: хорижий тадқиқотчи ва олимларнинг исми ва фамилиялари бутун диссертация ва унинг автореферати матни бўйлаб хатолик ва англашилмовчилик келтириб чиқармаслиги учун илмий манбаларда келтирилгани бўйича тўғридан-тўғри *транскрипциясиз* ёзилди.

фаолиятининг ижтимоий психологик омиллари, (Менегетти А., Зомбарт В., Райзберг Б.А., Майерс Д. ва Ильин Е.П.) ларнинг изланишларида, тадбиркор шахсининг муваффақиятга эришиш мотивацияси, ижтимоий психологик омиллари (Каган В.Е., Корж Е.М.), кичик бизнес билан шуғулланган тадбиркорларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари (Кон И.С., Егорова А.И., Маслова Е.Л., Фадеева Е.И.), гендер тадқиқотларда феминизм муаммоларини (С.Бем¹⁰ Корнилова Т.В.) илмий изланишларида таҳлил қилинган.

Мамлакатимиз олимларидан меҳнатга бўлган мотивацияни ўрганиш муаммоси доирасида (Абдурахмонов Қ.Х., Ғуломов С.С., Давлетшин М.Г.), оила институти муаммолари билан боғлиқ айрим гендер жиҳатлар (Шоумаров Ғ.Б., Умаров Б.М.) тадқиқотларида, В.М.Каримова ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасавурларнинг шаклланиши муаммолари, О.Э. Ҳайитов тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, Ш.С. Шойимова тадбиркор ўзбек аёллари шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, О.А. Абдусатторова оила муҳитида ўсмирларда шаклланидиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари, О.Р. Шамиева раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, А.У. Елмуратова. касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари таҳлил қилинган ва Ш.М.Улуғова¹¹ бозор иқтисодиёти шароитига хотин-қизлар ижтимоий-психологик мослашувининг ўзига хослиги масалаларини илмий изланишларида тадқиқ қилинган. Лекин бевосита оила муҳити, ота-онадаги бизнесга мойиллик ва тадбиркорлик қобилиятларининг шу оилада тарбияланаётган фарзандларнинг тадбиркорликка мойиллигига қай даражада таъсир кўрсатишидаги жинсий тафовутлар масаласи батафсил ўрганилмаган. Ваҳоланки, мазкур муаммо мамлакат ижтимоий-иқтисодий истиқболини белгилашда ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда салмоқли илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган А-3-001-рақамли “Ўзбекистонда оила

¹⁰ Бендас Т.В. Психология лидерства: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2009. – 448 с., Андреева И.В. Экономическая психология. – СПб.: Питер, 2000. – 512 с., Кон И.С. Меняющиеся мужчины в меняющемся мире: (Гендерные исследования мужчин) - Гендерный калейдоскоп. – М.: Аспект Пресс, 2001. – С. 188-208., Корж Е.М. Социально-психологические особенности предпринимателей об успешности: Дисс.канд. психол. наук: 19.00.05. – М.: МГАУ, 2006. – 176 с., Каган В.Е. Стереотипы мужественности – женственности и образ «Я» у подростков - Вопросы психологии. 2000. № 3., Попова Л.В. Психологические исследования и гендерных подход - Женщина. Гендер. Культура. М.: 1999. С. 119-130., Берн Ш. Гендерная психология. – СПб., прайм – ЕВРОЗНАК., 2008. – 318 с., Палуди Мишель. Психология женщины. – СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2003. – 384 с., Дулина Г.С. Социально-психологические аспекты личного потенциала предпринимателей: Дисс. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Ярославль: 2004. – 204 с., Маслоу А. Мотивация и личность. – 3-е изд. / пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. – 352 с., Попова З.Н. Особенности профконсультирования женщин. – Саратов: Литера-П, 1996. – 512 с., Бем С. Трансформация дебатов о половом неравенстве - Феминизм и гендерные исследования. Под.ред. В.И.Успенской. – Тверь, 1999. – С. 68-82.

¹¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Т.: «Меҳнат», 2004. – 672 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўқув қўлланма. – Т.: 1998. – 436 б.; Давлетшин М.Г. Танланган илмий ишлар тўплами. – Т.: 2008. – 82 б.; Каримова В.М., Отажонов О., Юсупова С. Гендер менежмент. Ўқув қўлланма. Т.: 2010. – 88 б.; Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасавурларнинг шаклланиши: психол. фанл. докт. дисс. – Т., 1994. – 312 б.; Ҳайитов О.Э. Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: психол. фанл. номз. дисс.– Т.: 2005. – 146 б.; Шойимова Ш.С. Тадбиркор ўзбек аёллари шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: психол. фанл. номз. дисс. автореф: – Т.: 2009. – 25 б.; Улуғова Ш.М. Бозор иқтисодиёти шароитига хотин-қизлар ижтимоий-психологик мослашувининг ўзига хослиги: психол. фанл. номз. дисс. автореф: – Т.: 2011. – 24 б.; Абдусатторова О.А. Оила муҳитида ўсмирларда шаклланидиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари: Психол. фан. ном. ... дис. автореферати: 19.00.05. – Т.: ЎзМУ, 2007.; А.У. Елмуратова. Касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари: – психол. фанл. номз. дисс. автореф.– Тошкент, 2018. – 50 б.;

шажараси ва оилавий мероснинг шахс профессионал ўсишига таъсирини ўрганиш” (2012-2019 йй) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшлардаги тадбиркорлик мотивациясига оилавий бизнес таъсирини гендер установкалар билан боғлиқлигини тадқиқ этиш асосида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оилавий тадбиркорлик фаолиятини танлаган шахслар ижтимоий хулқидаги мотивацион жиҳатларнинг психологик даражаларини аниқлаш;

ёшларнинг тадбиркорликка мойиллиги ва ишбилармонлик мотивацияси йўналишларини ота-онадаги ижтимоий установкалар, шунингдек оилавий тадбиркорлик мотивациясининг гендер установкалар билан боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

ёшларда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан шаклландиган установкаларнинг оиладаги шахслараро муносабатларга бевосита боғлиқлигини илмий жиҳатдан асослаш;

тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг шахсдаги ўзини англаш, ўзига бўлган муносабати ҳамда бошқа ижтимоий установкаларга боғлиқлигини эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш;

оилавий бизнес ва ўзаро муносабатларнинг ёшлардаги тадбиркорлик қобилиятларини таъминловчи ижтимоий-психологик хусусиятларнинг комплекс таҳлилин аналга ошириш, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини нуклеар типли оилаларнинг вакиллари бўлган тадбиркор ота - оналар ва уларнинг ўспиринлик ёшидаги фарзандлари (275 нафар) ташкил этди.

Тадқиқотнинг предметини фарзандларда оилавий бизнес ва тадбиркорликка алоқадор ижтимоий-психологик сифатлар ҳамда муваффақиятга эришиш мотивларининг гендер ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда оила, унинг таркиби, профессионал ва бизнес хусусиятларини ўрганиш учун муаллиф томонидан тузилган ижтимоий-психологик сўровнома; А.Эдвардснинг “Тадбиркорлик мотивацияси йўналишини аниқлаш” методикаси; А.Карелиннинг “Тадбиркорлик қобилиятини аниқлаш” тести; Т.Дембо ва С.Я.Рубинштейнларнинг “Ўзини ўзи баҳолаш” методикаси қўлланилди. Математик статистика методлари (Стьюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффицентини ҳисоблаш методлари)дан тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўспиринлик ёшидаги шахсларда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан шаклландиган установкаларнинг мазмуни, кучи ва даражаси унга таъсир қиладиган ижтимоий муҳитга, энг аввало, оила муҳитининг соғломлигига, ундаги шахслараро муносабатлар мазмуни билан тадбиркорлик йўналишининг

уйғунлигига, ота-онанинг ибрат намунаси, авлодлараро касб ва ҳунарнинг ворислилик тенденциялари асосида шаклланган мотивацияларга, оилавий бизнеснинг фаолият тури сифатидаги самарадорлиги ва ҳар бир оила аъзосининг манфаатдорлик даражасига боғлиқлиги илмий жиҳатдан шарҳлаб берилган;

тадбиркорликни танлаган ёшлардаги мотивацион жиҳатларнинг барқарорлиги ҳамда уларнинг шахс сифатлари ҳамда хулқ мотивларида акс этиши натижасида намоён бўладиган шахслилик фазилатлари (мақсад йўлида собитлик, кўмакни қабул қилиш, обрўлиларни тан олиш, эмпатия, аффилиация, ғамхўрлик кўрсатишга мойиллик кабилар) илк ўспиринларда тадбиркорликни танлашига боғлиқлиги эмпирик натижалар асосида аниқланган;

фарзандларнинг тадбиркорликка мойиллиги ва ишбилармонлик мотивациясининг йўналишлари ота-онадаги умумий ижтимоий установкалардан ташқари улардаги гендер установкаларга ҳам боғлиқлиги йигит ва қизлар тадбиркорлик хулқида ўзига хос шахслилик сифатларида намоён бўлиши, яъни, йигитларда муваффақиятга эришиш, ғамхўрлик кўрсатиш, агрессия, автономия каби сифатларда, қизларда эса онага тақлид туфайли аффилиация, тартиб интизомни афзал кўриш, устунликка интилиш, намоёйишкороналик, жозибалилик кабиларнинг яққолроқ намоён бўлиши билан боғлиқ эканлиги тасдиқланган;

оилавий бизнес тўғрисидаги тасаввурлар ва тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ёшлардаги шахслилик фазилатларидан ташқари унинг ўзига ва гендер установкаларига мос адекват муносабати характеридан келиб чиқиши илк маротаба ўз эмпирик тасдиғини топган, шунга мос тарзда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

оилавий бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий психологик хусусиятлари, тадбиркорлик фаолиятини танлаган ва шунга мойил шахслардаги мотивацион жиҳатлар, ўспиринларда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан шаклланадиган установкаларнинг мазмуни, кучи, даражаси унга таъсир қиладиган ижтимоий муҳитга, оиладаги шахслараро муносабатларга боғлиқлиги, тадбиркорлик фаолияти мотивацияси шахснинг ўзига бўлган адекват муносабати ҳамда гендер установкаларига боғлиқлиги юзасидан аниқланган натижалар тадбиркорлар, ишбилармонлар, таълим муассасалари, психологик хизмат ходимлари, мутахассисларга методик кўрсатмалар сифатида таклиф қилинган;

оилавий тадбиркорликнинг оиладаги муносабатлар ва роллар тақсимотига, миллий маданий муҳитга ҳамда ундаги анъаналарга, миллий психологияга, асрлар давомида халқ онгида сақланиб келинаётган қадриятларга, тарбия услубларига боғлиқлиги аниқланган;

олинган хулосалар, амалий тавсия ва кўрсатмалар коллежлар, техникумлар, олий таълим муассасаларида ижтимоий психологик билимларни такомиллаштиришда ҳамда “Психология” кафедраси қошида ташкил этилган

“Психологик хизмат” маркази ва “Ёш психолог” касбий тўғараги фаолиятида амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот объектларининг Ўзбекистон муҳитига мос танланганлиги, эмпирик изланишлар натижаларининг чуқур илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқотда халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар ва математик статистиканинг аниқ методлари қўлланилганлиги (К.Пирсоннинг r-корреляция коэффиценти, Стьюдентнинг t-мезони), миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишончлилик ҳамда муқаррарликнинг статистик мезонларига таянилганлиги, синалувчилар танланма тўпламининг ҳажми, репрезентативлигининг ишончли манбаларга асосланганлиги ҳамда кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинганлиги, ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан маъқуллангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, оилавий бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолиятининг илмий назарий ва ижтимоий психологик хусусиятлари, оилада тарбияланаётган фарзандда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан шаклланадиган установакаларнинг мазмуни, кучи ва даражаси унга таъсир қиладиган ижтимоий муҳитга, ундаги шахслараро муносабатларга бевосита боғлиқлиги шахсда тадбиркорлик мотивациясини, уларнинг фарзандларида ўзига хос хусусиятларни ифодаловчи ўз-ўзига ишонч ҳамда фаолият мотивацияларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш механизмларининг психологик мазмуни, моҳияти кўрсатиб берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тақдим этилган методологик ишланмалар оилавий бизнесни амалга оширишда тадбиркорларнинг ўз-ўзига ишончини ошириш, ёшларни мазкур фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятида мағлубиятдан қочиш ва муваффақиятга эришишни таъминлаш имконини беради, диссертация ишининг услубий ишланмалари, таклиф ва тавсиялари олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларида “Оила психологияси”, “Иқтисодий психология”, “Умумий психология”, “Шахслараро муносабатлар психологияси”, “Педагогика. Психология”, “Замонавий иқтисодчининг шахси”, “Бошқарув психологияси” ва бошқа фанларни ўқитишда, шунингдек, педагоглар, талабалар, тингловчилар ва амалиётчи психологларнинг малакасини оширишга ёрдам беришида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшлардаги тадбиркорлик мотивациясига оилавий бизнес таъсирининг гендер хусусиятларини ўрганиш юзасидан олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ўспирилик ёшидаги шахсларда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан шаклланадиган установакаларнинг мазмуни, кучи ва даражаси унга таъсир қиладиган ижтимоий муҳитга, энг аввало, оила муҳитининг соғломлигига,

ундаги шахслараро муносабатлар мазмуни билан тадбиркорлик йўналишининг уйғунлигига, ота-онанинг ибрат намунаси, авлодлараро касб ва ҳунарнинг ворислилиқ тенденциялари асосида шаклланган мотивацияларга, оилавий бизнеснинг фаолият тури сифатидаги самарадорлиги ва ҳар бир оила аъзосининг манфаатдорлик даражасига боғлиқлигини асословчи таклиф ва тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 1-сонли буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Оила психологияси” модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-16-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида бўлғуси амалиётчи психологларнинг бўйича касбий тайёргарлик даражаси сифат жиҳатдан такомиллаштирилган ва ўқув жараёнларини самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тадбиркорликни танлаган ёшлардаги мотивацион жиҳатларнинг барқарорлиги ҳамда уларнинг шахс сифатлари ҳамда хулқ мотивларида акс этиши натижасида намоён бўладиган шахслиқ фазилатлари (мақсад йўлида собитлик, кўмакни қабул қилиш, обрўлиларни тан олиш, эмпатия, аффилиация, ғамхўрлик кўрсатишга мойиллик кабилар) илк ўспиринларда тадбиркорликни танлашига боғлиқ эканлигини асословчи таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 1-сонли буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Умумий психология” модулига киритилган. (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-16-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қўлланилиши натижасида бўлғуси психологларнинг оилавий тадбиркорлик бўйича келгусидаги амалий фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятларини оширишга хизмат қилган;

оилада фарзандларнинг тадбиркорликка мойиллиги ва ишбилармонлик мотивациясининг йўналишлари ота-онадаги умумий ижтимоий установакалардан ташқари улардаги гендер установакаларга ҳам боғлиқлиги йигит ва қизлар тадбиркорлик хулқида ўзига хос шахслиқ сифатларида намоён бўлиши, яъни, йигитларда муваффақиятга эришиш, ғамхўрлик кўрсатиш, агрессия, автономия каби сифатларда, қизларда эса онага тақлид туфайли аффиляция, тартиб интизомни афзал кўриш, устунликка интилиш, намоийшкороналик, жозибалиқ кабиларнинг яққолроқ намоён бўлиши билан боғлиқ эканлигига доир таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 1-сонли буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда “Бошқарув ва маркетинг психологияси” модулига киритилган. (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 5 февралдаги П-М-16-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида бўлғуси психологларнинг тадбиркорлик мотивацияси

бўйича позитив ижтимоий-иқтисодий қарашлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

оилавий бизнес тўғрисидаги тасаввурлар ва тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ёшлардаги шахслик фазилатларидан ташқари унинг ўзига ва гендер установкакарига мос адекват муносабати характеридан келиб чиқиши юзасидан эмпирик тасдиқланган ва шунга мос тарзда ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 892-сонли буйруғига асосан 5230100 – иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5111000 - Касб таълими (иқтисодиёт), 5230200 - менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5230400 - маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “Педагогика. Психология” номли ўқув қўлланмадаги мавзулар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 892-сонли буйруғига асосан берилган 892-209-рақамли Гувоҳнома). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида бўлажак психологларнинг касбий тайёргарлигини сифат жиҳатдан такомиллаштириш имконияти яратилган ва ўқув услубий таъминоти маълумотлар базасини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Оилавий ижтимоийлашув ва оилавий бизнесдаги гендер муаммоларнинг психологияда ўрганилиши”** деб номланган бўлиб, бунда оилавий тадбиркорлик гендер тадқиқотларнинг объекти сифатида қаралаётганлиги, оилавий ижтимоийлашув жараёнида фарзандларни тадбиркорликка психологик жиҳатдан тайёрлаш муаммолари, Ўзбекистонда ва хорижда оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг ижтимоий психологиясига оид ўтказилган тадқиқотлар, тадбиркорлик мотивацияси ва гендер муаммолар ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Шунингдек, мазкур бобда кичик бизнес билан шуғулланган тадбиркорларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини хориж олимларининг изланишларида ҳамда мамлакатимиз олимлари ва тадқиқотчиларнинг меҳнатга бўлган мотивацияни ўрганиш муаммоси доирасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг турли қирралари муайян маънода ўрганилганига қарамай, амалиётда оилавий тадбиркорликка алоқадор ижтимоий-психологик тадқиқотлар кўпроқ аҳамиятга моликлиги боис таҳлилларимиз натижасида Ўзбекистонда биз танлаган муаммо бўйича ишлар кам эканлигини, айниқса, оилавий бизнес ҳамда тадбиркорликка нисбатан шаклланадиган мотивациясининг ёшлар иқтисодий ижтимоийлашувидаги роли масаласи ҳали ечимини кутиб турган муаммо эканлиги тўғрисида хулосага келдик.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Оилавий тадбиркорликни ёшларга таъсирини ўрганишнинг услубий тамойиллари”** деб номланган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятининг жинсга таъсирини ўрганишда қўлланилган методикаларнинг услубий тамойиллари, танланган объектларнинг ижтимоий-психологик тавсифини ишлаб чиқиш, ота-оналар ва уларнинг фарзандларидаги тадбиркорликка мойилликнинг ижтимоий омиллари тўғрисидаги таҳлиллар, тадқиқотда танлаб олинган респондентларнинг тадбиркорлик фаолиятида кузатиладиган ижтимоий психологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида мазкур тадқиқот учун ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар қайд этилган.

Тадқиқот ишининг мазкур бобида ота-оналарнинг айнан нима учун тадбиркорликни танлаганликлари ҳақидаги маълумот 1-жадвалда келтирилган.

**Респондентларнинг тадбиркорликни танлаш бўйича
билдирган фикрлари рейтингни (n=90) (фоиз ҳисобида)**

№	Тадбиркорликни танлаш мотивлари	Мотивни танлаганлар:	
		сони	фоизи
1.	Ўз ҳаётимнинг эгаси бўлиб, эркин яшаш учун	35	29,6
2.	Табиатан ижодкор бўлганим учун, ўзимни нимага қодир эканлигимни кўрсатиш учун	14	17,9
3.	Ҳеч кимга тобе бўлмаслик учун	12	15,4
4.	Фақат тирикчилик ташвишлари боис	9	11,5
5.	Фарзандларимга ўрناق бўлиш учун	7	9,0
6.	Эр-хотин ҳамжиҳатликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун	7	9,0
7.	Яхши ҳаёт кечириш мақсадида маблағни кўпайтириб олиш учун	3	3,8
8.	Кўпчиликка тақлид қилиб	3	3,8
9.	Ўз иқтидоримни тўла намоён этиш учун	0	0,0
10.	Бажаришга бошқа иш қолмаганлиги учун	0	0,0

Биринчи жадвалда келтирилган олинган рейтинг рақамларидан кўриниб турибдики, замонавий тадбиркорларни ушбу фаолият турига қорловчи асосий мотив ва омиллардан бири – уларнинг эркин фаолият юритиб, ўз ҳаёти ва тақдирининг эгаси бўлиш, ҳеч кимга тобе бўлмаслик, ўзининг нималарга қодир эканлигини ўзгаларга ҳам кўрсатишга интилиш ҳиссидир.

Биринчи жадвалдаги мотивлар рейтингидан яна бир муҳим омил аёнки, иштирок этганларнинг 16,0 фоизи оила омилини етакчи мотивлардан бири сифатида кўрсатишган. Демак, оила билан боғланган истак ва мотивлар бошқа мотивларга нисбатан ўта ривожлангани ҳам йўқ, иккинчи томондан, улар ўта аҳамиятсиз ҳам эмас.

Респондент ота-оналарнинг тадбиркорликни танлашига оила муҳити ва бошқа референт гуруҳнинг таъсирини ўрганиш натижалари (2-жадвал) эса оила қургач, яқин кишининг тадбиркорликни танлашига қучли таъсир этиши мумкинлигини кўрсатди.

**Респондент ота-оналарнинг тадбиркорликни танлашига оила муҳити ва
бошқа референт гуруҳнинг таъсирини ўрганиш натижалари
(n=90) (фоиз ҳисобида)**

№	Жавоб вариантлари	Эркақлар жавоби (n=45)	Аёллар жавоби (n=45)
1.	Ёшлигимда, ота-онамнинг таъсирида	22,6	7,1
2.	Турмуш қургач, турмуш ўртоғим билан биргаликда	35,5	42,9
3.	Яқинда, дўстлар маслаҳати билан	32,3	21,4
4.	Оммавий ахборот воситалари таъсирида, маълумот олгач	3,2	14,3
5.	Махсус бизнес курсларини тамомлагач	3,2	-
6.	Бошқа сабаблар	3,2	14,3

Иккинчи жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, эркакларнинг тадбиркорлик йўли билан фаолият юритишларига ота-оналарнинг хайрихоҳлиги кучлироқ таъсир этади, аёлларда эса оиладан ташқари, дўстлар гуруҳининг ҳам аҳамияти мавжуд; 21,4 фоиз аёлларнинг тадбиркор бўлишига уларнинг дугоналари таъсир кўрсатган. Бундай таъсир бевосита бозорда олди-сотти билан шуғулланадиган хотин-қизларда кўпроқ, чунки биз бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат турларидаги тадбиркорларни танлаганлиги учун дугоналар таъсири эркакларникидан камроқ намоён бўлди.

Энди айти шу респондентларнинг ўз фарзандларининг истиқболда ва ҳозир тадбиркор бўлишига муносабатини ўрганганимизда, ота-оналар муносабатларидаги муайян уйғунликнинг гувоҳи бўлдик (3-жадвал).

3-жадвал

Ота-оналарнинг ўз фарзандларининг келажакда ва ҳозирги даврда тадбиркор бўлишига билдирган фикрлари (n=90) (фоиз ҳисобида)

№	«Фарзандларингиз тадбиркор бўлишини хоҳлайсизми?» саволига берилган жавоб вариантлари	Эркаклар жавоби, (n=45)	Аёллар жавоби, (n=45)
1	Ҳа, албатта	51,6	50,0
2	Ўзларига ҳавола	29,0	21,4
3	Мажбур қилмаган бўлардим	16,1	28,6
4	Истамайман	3,3	-

Тадқиқотнинг ушбу босқичида барча респондент ота-оналар иштирок этган. Учинчи жадвалдан кўриб турганимиздек, ота ва оналарнинг ўз фарзандлари томонидан тадбиркорликни танлашларига бўлган муносабатларида муайян яқинлик ва уйғунлик бор. Чунки ота-оналарнинг ҳар иккитасидан биттаси (мос равишда 51,6 ва 50,0 фоиз) фарзандларининг ўзларига ўхшаган тадбиркор бўлишларини истайдилар. Бундан ташқари, улар бу масалада фарзандларига эркинлик бериш, яъни бу ишга уларни мажбур қилмаслик лозимлигини ҳам яхши англайдилар.

Шунинг учун оналарнинг 28,6 фоизи ва оталарнинг 16,1 фоизи уларни мажбур қилмасликни ёқлаб жавоб берганлар, айниқса, оталар бу ишни уларнинг ўзларига ҳавола этиш тарафдоридир (29,0 фоиз). Демак, ота-оналар томонидан тадбиркорликнинг «нони»ни ейиш унчалик осон эмаслигини, унга нисбатан масъулият кучли эканлигини англашидан келиб чиқади, дейиш мумкин. Шу боис ҳам биз ушбу масалага янада ойдинлик киритиш учун ота-оналарга «Фарзандингиз сиз бошлаган бизнесни давомчиси бўлиши учун нима қиляпсиз?» деган савол билан мурожаат қилдик. Эътиборли томони шундаки, ота-оналарнинг бу масаладаги позициялари анча ижобий. Чунки «Бошқа йўлни танласа, хурсанд бўлардим» деган жавоб фақат бир нафардан ота-онага тегишли бўлди. Яна «Махсус тайёргарлик шарт эмас деб ўйлайман» деган жавоб вариантини бирорта ҳам ота-она танламади. Чунки «Ўғлимни (қизимни) ёшлигидан оилавий бизнесга жалб қилганман» деганлар респондент оталарнинг ярмидан зиёдини, яъни, 54,8 фоизини, оналарнинг эса 42,9 фоизини ташкил

этган бўлса, «Тадбиркорликка ўргатадиган ўқишга берганман (бераман)» жавобини респондентларнинг қолган қисми, яъни, оталарнинг 42 фоизи ва оналарнинг 50 фоизи белгилаган. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшиш учун махсус тайёргарлик кераклигини, яъни, ёшлар ўқишлари лозимлиги фикрининг мавжудлиги ота-оналарнинг ушбу масаладаги дунёқарашлари тўғри, объектив эканлигидан дарак беради. Мазкур масалада ота-оналарнинг қанчалик ўз фарзандларига ишонишлари, улардаги бизнес қобилиятларни эътироф этишини билиш мақсадида биз саволномага «Оилавий бизнесингизни қизингиз (ўғлингиз) давом эттирса, сиздан кўра кўпроқ муваффақиятга эришишига ишонасизми?» деган саволга аксарият ота-оналар ўз фарзандларидаги бундай қобилиятга ишонадилар (57,8 фоиз). Айрим ота-оналар бизнесдаги муваффақиятни болаларнинг пулга иштиёқи ва ўзидаги иқтидорга боғлиқ эканлигини эътироф этдилар: мос равишда оталарнинг 16,1 ва оналарнинг 21,4 фоизи. Ўн уч фоизга яқин оталар ҳали ўз фарзандларининг эркин тадбиркор сифатида самарали ишлаб кетишига ишонишмайди, лекин оналар орасида бундайлари йўқ. Тадбиркорлар оиласида тарбияланаётган ўспирин ёшларда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан шаклланадиган установакаларнинг мазмуни, кучи ва даражаси унга таъсир қиладиган ижтимоий муҳитга, аввало, оиладаги шахслараро муносабатларга, уларнинг ижобийлигига бевосита боғлиқ эканлигини исботлади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Оилавий бизнеснинг фарзандлардаги тадбиркорлик мотивациясига таъсирини эмпирик ўрганиш натижалари”** деб номланган бўлиб, бунда ота-оналар ва фарзандларнинг тадбиркорлик мотивациясининг шахснинг ўзига бўлган муносабатига, гендер установакаларга ҳамда ёшлардаги тадбиркорлик қобилиятларига боғлиқлиги ўрганилди. Натижалар, аввало, шахсий сифатларга боғлиқ жиҳатларни кўрсатди, яъни, тадбиркор отадаги сифатлар қанчалик ўғилга, онадаги сифатларнинг қанчалик фарзандларга, айниқса қиз болаларга таъсири бўлиши мумкинлигига эътибор қаратдик. Натижаларга кўра, ота ва оналарда тадбиркорлик кимларгадир ёқиш, уларнинг мақтовларига сазовор бўлиш, фарзандлари келажакда шу йўлдан кетиши учун эмас, балки кўпроқ олдиларига қўйган мақсадга етишиш учун шуғулланишлари, яъни, уларда муваффақиятга эришиш мотиви кучли эканлиги кўринди.

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган оила аъзоси бўлган қизлар (4-жадвал) мотивацияси ва шахсий сифатларига оталардан кўра оналарга яқин эканлигини исботлади. Масалан, 11 та мотивацион жиҳатларнинг индекс кўрсаткичлари А.Эдвардс сўровномаси асосида солиштирилганда, фақат тўрт сифатлардан ташқари қолган барча сифатларда оналар билан қизлар установакаларида аниқ тафовутли жиҳатлар йўқлигини кўрсатди. Муваффақиятга эришиш мотивация кўрсаткичлари бўйича ишонч даражасидаги фарқлар мавжуд ($t=2,209$; $p<0,05$), яъни, оналарда қизларга нисбатан муваффақиятга эришиш мотивацияларининг кучли эканлигини кузатишимиз мумкин.

**Оналар ва кизлар, оталар ва ўғилларда тадбиркорлик мотивацияси
йўналишини аниқлаш (Стъудентнинг t-мезони асосида)**

Мотивацион жиҳатлар	Респон- дентлар	N	Ўртача	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
Муваффақиятга эришиш мотивацияси	оналар	45	20,76	4,309	2,209	0,031
	кизлар	29	18,54	3,114		
	оталар	45	19,38	4,174	-2,016	0,048
	ўғиллар	26	21,21	3,155		
Обрўлиларни тан олиш	оналар	45	12,09	2,542	-5,385	0,000
	кизлар	29	16,00	3,033		
	оталар	45	15,09	2,770	-3,301	0,002
	ўғиллар	26	17,28	2,802		
Тартиб-интизомни афзал кўриш	оналар	45	14,82	2,530	2,743	0,008
	кизлар	29	13,35	1,164		
	оталар	45	16,07	3,292	5,041	0,000
	ўғиллар	26	11,62	4,271		
Автономия	оналар	45	10,21	1,516	-6,293	0,000
	кизлар	29	13,15	2,092		
	оталар	45	14,13	2,528	6,171	0,000
	ўғиллар	26	10,79	1,800		
Аффиляция	оналар	45	17,12	3,647	-1,434	0,157
	кизлар	29	18,50	3,691		
	оталар	45	17,33	3,772	7,238	0,000
	ўғиллар	26	11,10	3,352		
Кўмакни қабул қилиш	оналар	45	18,00	3,674	2,459	0,017
	кизлар	29	15,50	4,121		
	оталар	45	12,80	3,442	-1,329	0,188
	ўғиллар	26	13,76	2,231		
Устунликка интилиш	оналар	45	11,97	4,142	-2,707	0,009
	кизлар	29	15,50	5,867		
	оталар	45	17,73	4,169	2,296	0,029
	ўғиллар	26	15,86	1,903		
Ғамхўрлик кўрсатиш	оналар	45	15,33	3,149	1,534	0,131
	кизлар	29	13,77	4,667		
	оталар	45	16,33	4,513	1,933	0,057
	ўғиллар	26	14,45	3,334		
Ўзгарувчанлик, радикализм	оналар	45	15,03	3,704	-1,540	0,129
	кизлар	29	16,31	2,294		
	оталар	45	10,58	2,050	-5,128	0,000
	ўғиллар	26	13,14	2,167		
Мақсад йўлида собитқадамлик	оналар	45	15,27	2,414	3,233	0,002
	кизлар	29	13,38	1,961		
	оталар	45	18,13	3,641	6,411	0,000
	ўғиллар	26	12,76	3,324		
Тажовузкорлик	оналар	45	15,39	2,449	3,422	0,001
	кизлар	29	13,15	2,556		
	оталар	45	10,38	2,405	-10,366	0,000
	ўғиллар	26	17,14	3,193		

Маълумотларга кўра, бу оналарнинг иродани талаб қилувчи ишларга мойиллиги мавжудлигидан далолат беради. Обрўлиларни тан олиш кўрсаткичи бўйича ҳам ишонч даражасидаги фарқлар мавжуд ($t=-5,385$; $p<0,001$), яъни, қизларда оналарга нисбатан ўзгаларнинг йўриқларини қабул қилиш, уларнинг таклифларига кулоқ тутиш, бошқа инсонлар эшитиш керак бўлган сўзларни гапириш эҳтиёжи кучлироқ эканлиги аниқланди. Тартиб ва интизомни афзал кўриш шкаллари бўйича ҳам ишонч даражасидаги фарқларга кўра ($t=2,743$; $p<0,01$), оналар қизларга нисбатан тартибли эканлиги кузатилди. Қизларнинг мустақил бўлишга ҳаракат қилишлари автономия шкаласи бўйича ўтказилган ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлигига қараб аниқланди.

Бундан ташқари, натижалар 11 та мотивацион жиҳатларнинг индекс кўрсаткичлари А.Эдвардс сўровномаси асосида солиштирилганда, барча жуфт сифатларда оталар билан ўғиллар установакаларида тафовутли жиҳатлар йўқлигини кўрсатди (4-жадвал). Яъни, муваффақиятга эришиш мотивацияси кўрсаткичларида ишонч даражасидаги фарқ мавжуд ($t=-2,016$; $p<0,05$), ўғиллар оталарга нисбатан кўпроқ муваффақиятга эришишни исташади, обрўлиларни тан олиш кўрсаткичида ҳам ($t=-3,301$; $p<0,001$) ўғилларда оталарга нисбатан кўпроқ обрўли инсонларни тан олиш, бошқаларга маъқул бўлган қарорларни қабул қилишга мойиллик кучлироқ; тартиб интизомни афзал кўриш ($t=5,041$; $p<0,001$), ўз фаолиятларини олдиндан режалаштиришни, саранжом-саришталикни афзал кўришади; автономия ($t=6,171$, $p<0,001$) бўйича оталар ўғилларга нисбатан мустақил бўлишни, ўзи хоҳлаган ишни амалга оширишга мойиллик юқори экан.

Тадқиқотимизда аффиляция шкаласи ($t=7,238$; $p<0,001$) бўйича оталарнинг ўғилларга нисбатан турли хил ижтимоий алоқалар ўрнатиш, дўстлар орттириш, биргаликда қарор қабул қилиш эҳтиёжлари юқори эканлиги; ўзини билиб иш юритиш ($t=8,348$; $p<0,001$) ўз эҳтирослари ва истаклари мотивларини билишга интилиш, ўзгаларга нисбатан эътиборли бўлиш, кузатувчанликни ёқтириш, устунликка интилиш ($t=2,296$; $p<0,05$) оталарда юқорироқ; бундан ташқари уларда ўғилларга нисбатан етакчи бўлиш, ўзининг ҳақлигини доим исбот қилиш устунлик қилиши маълум бўлди. Мақсад йўлида собитқадамлик ($t=6,411$; $p<0,001$), ҳар қандай ишни охиригача етказиш, фаолиятни тўхтаб қолишига йўл қўймаслик оталарда юқори эканлиги, агрессия ($t=-10,366$; $p<0,001$) эса оталарга нисбатан ўғилларда юқори эканлиги кузатилди.

Эмпирик изланишда шахслик билан мотивацион йўналганликнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун кластер таҳлилини ўтказдик (5-жадвал). Маълумотларга кўра, тадбиркорлар оиласида муайян мақсад йўлида собитлик хислати етакчи мотивацион сифат бўлиб, айниқса, ота ва ўғил муносабатларида етакчи шахсий сифатлардан тарзида намоён бўлади.

Кластер таҳлили натижалари

Оила аъзолари – гуруҳлар	Шахслилик шкаласидаги етакчи ва аҳамиятли сифатлар	
	<i>Етакчи</i>	<i>Аҳамиятли</i>
Оталар	Мақсад йўлида собитлик* Муваффақиятга эришиш Устунликка интилиш Ғамхўрлик кўрсатиш Аффиляция	Обрўлиларни тан олиш Ўзини билиб иш юритиш Автономия Тартиб-интизомни афзал кўриш
Оналар	Муваффақиятга эришиш Кўмакни қабул қилиш Мақсад йўлида собитлик Аффиляция Намойишкороналик	Тартиб-интизомни афзал кўриш Ўзгарувчанлик, радикализм Агрессия Айбдорлик ҳисси билан яшаш
Йигитлар	Муваффақиятга эришиш Обрўлиларни тан олиш Қарама-қарши жинс вакилига йўналганлик Агрессия	Устунликка интилиш Мақсад йўлида собитлик Айбдорлик ҳисси билан яшаш Ғамхўрлик кўрсатиш Кўмакни қабул қилиш
Қизлар	Муваффақиятга эришиш Намойишкороналик Аффиляция Ўзгарувчанлик, радикализм Қарама-қарши жинс вакилига йўналганлик	Мақсад йўлида собитлик Обрўлиларни тан олиш Ўзини билиб иш юритиш Устунликка интилиш Агрессия

Тадқиқотимизда Т.Дембо ва С.Я.Рубинштейнларнинг “Ўзини ўзи баҳолаш методикаси”дан ҳам фойдаландик (6-жадвал). Мазкур методика натижалари респондентларнинг ақлий ривожланиш, феъл-атвор шкаласи бўйича ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлигини кўрсатди ($t=-2,490$; $p<0,05$).

